O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№ 310509

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 2-may • Shanba • 52 (29.013) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Ҳаммамизга аёнки, бугун биз яшаётган шиддатли XXI асрда замоннинг ўзи, ҳаётимизга кескин суръатлар билан кириб келаётган глобаллашув жараёнлари Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ва журналистлар аҳли олдига... ғоят муҳим, долзарб вазифа ва талабларни қўймоқда».

❖ ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ДАВРИДА

партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг энг асосий вазифалари нималардан иборат?

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорликда ташкил этган давра суҳбатида шу мавзу атрофида фикр алмашилди. Партия Марказий Кенгаши аъзолари, экспертлари ва масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилоят, Тошкент шаҳар Кенгашларидаги депутатлари, фаоллари, жамоатчилик, электорат вакиллари давлатимиз раҳбарининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарининг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини тўлақонли амалга оширишдаги роли ва аҳамияти» мавзусини муҳокама этдилар.

Давра суҳбатининг биринчи қисмида мамлакат раҳбарининг асари ва «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» йили Давлат дастури, Инқирозга қарши чоралар дастурида нафақат мамлакат иқтисодиётини жаҳон инқирози оқибатларидан сақлаш, балки ижтимоий масалаларга ҳам жиддий эътибор қаратилгани таъкидланди.

— Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг таъсири ҳар томонлама ҳисобга олинган ҳолда иқтисодий ривожланиш дастурлари шакллантирилди ва улар изчил амалга ошириб келинмоқда, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева. — Давлатимиз раҳбарининг асарида иқтисодий ислоҳотлар мақсади ва вазифалари аниқ кўрсатиб берилгани ютуқларимизни таъминлашда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

2-бет

Ўз мухбирларимиз хабар қиладилар

БУЮМ БОЗОРИ

Термиз шаҳридаги буюм бозори ёнғин хавфсизлиги ва санитария қонун-қоидаларига тўлиқ жавоб бермас эди. Шу боис, вилоят ва шаҳар ҳокимлиги саъй-ҳаракати билан замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган янги буюм бозори мажмуаси қурилиши бошланди.

— Лойиҳага кўра, мажмуанинг умумий майдони 6,5 гектарни ташкил этади. Қурилиш ишларини икки босқичда амалга ошириш кўзда тутилган, — дейди Термиз шаҳар буюм бозорлари қурилиши дирекцияси бошлиғи Ғайрат Раҳматов. — Мажмуа 700 та савдо ўрнидан иборат бўлади.

Бозорнинг биринчи босқичи шу йил охиригача қуриб битказилиши кўзда тутилган.

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ

ТАЙЁРГАРЛИК ЯКУНЛАНМОҚДА

«Умид ниҳоллари — 2009» спорт мусобақаларига мезбонлик қиладиган Гулистон шаҳрида 16 иншоотда қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари якунланмоқда.

Мусобақанинг очилиш ва ёпилиш тантаналари ўтказиладиган 20 минг ўринли Гулистон шаҳар стадиони бутунлай янгича, гўзал ва замонавий қиёфа касб этди.

Қайта реконструкция қилинган «Алпомиш» спорт мажмуасида теннис ва бадиий гимнастика баҳслари ўтказилиши кўзда тутилган. Бинонинг эшик-ромлари ва поллари янгиланди. Икки минг ўринли томошагоҳга янги ўриндиқлар ўрнатилиб, йўл ва йўлаклар тартибга келтирилди. Мажмуа атрофига минглаб гул, манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Гулистон давлат университетининг 1200 ўринли иккита талабалар уйи ва ошхонаси таъмирдан чиқарилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

Журналистика соҳасида «Олтин қалам» IV Миллий мукофоти ғолиблари ва совриндорлари

«ОЛТИН ҚАЛАМ»НИНГ ЯНГИ СОҲИБЛАРИ

Мамлакатимизда барча жабҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тезкор, холис ва ҳаққоний ёритиш, халқимиз маънавиятини юксалтириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, жамиятимизда демократик қадриятларнинг мустаҳкам қарор топишида оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти беқиёсдир. Шу боис Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган ижодкорлар меҳнатини эъзозлаш, уларнинг самарали ижод қилиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

БОШ МИЛЛИЙ МУКОФОТ

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканалининг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририятининг ижодий гуруҳи — гуруҳ раҳбари **Мамадамин Сафаров.** Одам савдосига қарши курашиш ва ноқонуний меҳнат миграциясининг олдини олиш масалаларига бағишланган «Адашганлар қисмати» туркум кўрсатувлари учун.

Асосий номинациялар

Энг яхши журналистик материал учун (телевидение):

1-ўрин:

Дилфуза Эсонова — Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси «Ахборот» маркази муҳаррири. «Парламент соати» рукнидаги муаллифлик кўрсатувлари учун.

2-ўрин:

Алишер Ҳошимов — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» информацион дастури катта муҳаррири. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ҳаётидаги ўзгаришларни ёритган материаллари учун.

3-ўрин.

Рухсора Гофурова — «Самарқанд — СТВ» телерадиокомпанияси мухбири. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақидаги туркум кўрсатувлари учун.

Энг яхши журналистик материал учун (радио):

1-ўрин:

Шоҳида Абдуалимова — Ўзбекистон Давлат санъат институти журналистика кафедраси ўқитувчиси. Ҳуқуқий мавзудаги туркум эшиттиришлари учун.

(Давоми 2-бетда)

Давра суҳбатининг биринчи қисмида мамлакат раҳбарининг асари ва «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» йили Давлат дастури, Инқирозга қарши чоралар дастурида нафақат мамлакат иқтисодиётини жаҳон инқирози оқибатларидан сақлаш, балки ижтимоий масалаларга ҳам жиддий эътибор қаратилгани таъкидланди.

— Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг таъсири ҳар томонлама ҳисобга олинган ҳолда иқтисодий ривожланиш дастурлари шакллантирилди ва улар изчил амалга ошириб келинмоқда, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева. — Давлатимиз раҳбарининг асарида иқтисодий ислоҳотлар мақсади ва вазифалари аниқ кўрсатиб берилгани ютуқларимизни таъминлашда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

2-бет

Истеъдодли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи

ЛОНДОНДАН ХУШХАБАР!

18-28 март кунлари Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрида бўлиб ўтган халқаро пианиночилар танловида 18 ёшли ҳамюртимиз Беҳзод Абдураимов мутлақ ғолиб деб эътироф этилди ва бош соврин соҳиби бўлди!

1990 йилда Тошкент шаҳрида туғилган Беҳзод 5 ёшидан бошлаб фортепьяно чалишни ўргана бошлади. Пойтахтимиздаги Успенский номидаги лицейда таҳсил олди. 1999 йилда Республика биринчилигида ғолиб чиқди. Қозоғистонда бўлиб ўтган «XXI аср мусиқачиси» халқаро фортепьяно танловида учинчи ўринни, 2003 йилда Италиянинг Агрополи шаҳрида ўтган «Ле Мьюз» халқаро фортепьяно танловида биринчи ўрин ва гран-прини қўлга киритган эди.

2007 йилдан бошлаб Беҳзод Абдураимов АҚШнинг Канзас-Сити шаҳридаги мусиқага ихтисослашган Парк университетида бакалавр йўналиши бўйича ўқишни давом эттирди. 2008 йилда ёшлар ўртасида бўлиб ўтган халқаро «Леннокс 2008» кўрик-танловининг ғолиби бўлди.

Лондонда бўлиб ўтган халқаро кўрик-танловда иштирок этган барча қатнашчиларнинг ёши Беҳзоддан катта эканлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Турли давлатлардан ташриф буюрган 24 нафар пианиночи орасида унинг маҳорати энг юксак баҳога лойиқ кўрилди. Ушбу ғалабаси билан у ўзбек фарзандлари ҳеч қачон ҳеч кимдан кам эмаслигини яна бир бор исботлади.

Темур АЪЗАМ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: Б.Абдураимов (ўртада) танлов ҳайъати аъзолари билан.

✓ ЎзХДП вилоят кенгашлари пленумларида

СИЁСИЙ ФАОЛИЯТНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

таҳлил этилди, хулосалар чиқарилди, навбатдаги вазифалар белгилаб олинди

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ПАНДЕМИЯГА АЙЛАНМАСЛИГИ УЧУН

барча давлатлар биргаликда курашишлари керак

Янги вирусни юқтирган одамда оддий гриппга ўхшаш ташқи белгилар пайдо бўлиши мумкин. Аммо у заҳарли пневмонияга сабаб бўлиши эҳтимоли ҳам бор. Касаллик ҳаво-томчи орқали, яъни йўталганда, акса урганда, касалланган кишининг идиши ва бошқа воситаларидан фойдаланганда юқади.

3-бет

ЭЗГУ ТАШАББУС ВА ХАЙРЛИ ИШЛАР

— Бизнинг бу кошона ҳам яқинда қурилган, — дейди Ғиждувон туманидаги «Фиришкент» болалар спорти мажмуаси директори Раҳмон Қурбонов. — Илгари бундай спорт саройини фақат хаёл қилса бўларди. Ҳозир бу ерда 8-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳам жойлашган. Спортнинг саккизта тури билан 400 дан зиёд ўғил-қиз мунтазам шуғулланиб келишмоқда.

4-бет

✓ ЎзХДП вилоят кенгашлари пленумларида

СИЁСИЙ ФАОЛИЯТНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

таҳлил этилди, хулосалар чиқарилди, навбатдаги вазифалар белгилаб олинди

Тошкент вилоят партия кенгаши пленумида иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш, глобал иқтисодий инқирознинг мамлакат ривожига таъсирига қарши курашиш учун мустаҳкам захира ва база яратиш ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим омили эканлиги таъкидланди.

— Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш мамлакат иқтисодий ва маънавий салоҳиятини мустаҳкамлашнинг ишончли механизмларини яратиш имконини беради, — деди вилоят партия кенгаши раиси Сирожиддин Аъзамов. — Ҳаёт партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларидан тегишли ишларни амалга оширишда фаол, самарали иштирок этишни талаб этмоқда.

Электорат вакилларининг ижтимоий манфаатларини ифода этиш бўйича партиянинг Чирчиқ шаҳар кенгаши фаолияти таҳлил этилди. Ўтган йили шаҳар кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига 83 та мурожаат бўлган. Унинг асосий қисми депутатлар, тегишли ташкилотлар ёрдамида ижобий ҳал этилди.

Пленум иштирокчилари халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳининг ўтган йилдаги фаолияти, галдаги вазифалари, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари хусусида ҳам сўз юритдилар.

Шунингдек, сўзга чиққан Чирчиқ шаҳар партия кенгаши раиси Дониёр Азизхўжаев, вилоят Кенгаши депутати Адиба Аҳмаджонова, Тошкент вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи Ҳикмат Исамуҳамедов ва бошқалар инқирозга қарши чоралар дастурининг моҳияти ва аҳамиятини фуқароларга тушунтириш, партия аъзолари, тарафдорларида уни амалга оширишга ҳисса қўшиш масъулиятини уйғотиш масалаларига батафсил тўхталди.

Пленумда ЎзХДП Марказий Кенгаш раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева иштирок этди ва сўзга чиқди.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• • •

Андижон вилоят кенгашининг пленумида партия фаолиятига доир қатор масалалар муҳокама этилди. Вилоят кенгаши раиси Одинахон Мадаминованинг вилоят партия кенгаши ижроия қўмитасининг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Назиржон Саидовнинг ахбороти тингланиб, қизғин муҳокама этилди.

Партия тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш, «Ёшлар йили» Давлат дастурини амалга ошириш борасида бир қатор ишлар қилинди. Аммо булар етарли эмас, самара сезилмаяпти. Шунингдек, туман ва шаҳар партия кенгашларининг ахборот-ресурс марказлари фаолиятини янада кучайтириш, миллий ғоя тарғиботи бўйича ҳам кўплаб амалий ишлар қилинди. Аммо, камчиликлар ҳам оз эмаслиги очиқ айтилди.

Депутатлик гуруҳи фаолиятида партия дастурий манфаатларини ҳимоялаш яққол сезилмаётгани таъкидланди. Андижон вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳининг сессиялар кун тартибига ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни киритмаганлиги пленумда яна бир бор танқид қилинди.

Вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналарига 2008 йил давомида 1093 та ариза тушди. Мазкур мурожаатларнинг аксарияти ижобий ҳал этилиб, қолганлари бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар, тавсиялар берилди. Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш партиядошлардан ғайрат-шижоат талаб этмоқда.

Музокараларда қатнашган «Маҳалла» хайрия жамғармаси Андижон вилоят бўлими раҳбари Икромжон Валиев, ЎзХДП Пахтаобод, Избоскан туман кенгашлари раислари Ҳаётилла Саидов, Қумрихон Хўжаева ва бошқалар келгусида партиявий ишларни, депутатлик гуруҳи фаолиятини янада кучайтириш, электорат ишончини амалий ҳаракатлар билан мустаҳкамлаш борасида таклиф-мулоҳазалар билдирдилар.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари О.Равшанов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• • •

— Мамлакатимизда ижтимоий масалаларга катта эътибор қаратилаётганлиги халқимиз, айниқса, партиямиз электорати манфаатларига мосдир, — деди Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси Ҳамро Эрматов. — Биз партия фаолларига буларни тўғри тушунтиришимиз, унинг мазмун-моҳиятини англашга кўмак беришимиз керак. Қолаверса, аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашни кучайтириш нуқтаи назаридан тегишли қонун ва Президент фармонларининг жойлардаги ижроси устидан самарали жамоатчилик назорати ўрнатиш керак.

Музокараларда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Анвар Бойқулов, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари Гулбаҳор Аннаматова, Жума Мирзаев ва бошқалар партия аъзолари, депутатлар олдидаги вазифаларга тўхталдилар. Партиянинг шаҳар, туман ташкилотлари конференцияларини ўтказиш билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• • •

Ўз-ўзини танқид руҳида ўтган ЎзХДП Жиззах вилоят кенгашининг пленумида партия ташкилоти етакчиси Парда Йўлдошев ютуқ ва камчиликларга атрофлича тўхталди.

— Жамоатчилик қабулхоналарига йил давомида 705 та мурожаат бўлди ва уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди, — деди у. — «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қаноти, сиёсий ва фуқаролик маърифати ишларини ташкил этишда Жиззах шаҳри, Ғаллаорол, Зарбдор, Мирзачўл, Пахтакор туман партия ташкилотлари тўплаган тажриба эътиборга лойиқдир. Шу билан бирга, депутатлик гуруҳлари фаолиятини ҳали талаб даражасида, дейиш қийин. Бу борада Арнасой, Зафаробод, Дўстлик туман партия кенгашлари, айниқса, кўп иш қилишлари, депутатлик корпуслари фаолиятини жонлантириш чора-тадбирларини кўришлари лозим.

— Ўтган йили гуруҳимиз йиғилишларида аҳолига коммунал хизмат кўрсатишнинг аҳволи, ичимлик суви, табиий газ, электр қуввати таъминоти, аҳоли бандлиги, унинг муҳтож қатламини ижтимоий муҳофазалаш сингари масалалар муҳокама қилинди, — деди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Акром Иномов. — Мавжуд муаммоларнинг ечими бўйича вилоят Кенгаши сессияларига таклифлар киритилди. Афсуски, партиямиздан номзоди кўрсатилган туман, шаҳар, вилоят Кенгашларига сайланган айрим депутатларимиз фаолияти сустлиги, сайловчиларнинг ҳаётий эҳтиёжларини мутасадди ташкилотлар, масъуллар олдига қатъият билан қўйишдаги лоқайдликлари бор гап. Шуларни эътиборга олиб депутатлар ўқувини мунтазам йўлга қўйиш зарур, деб ҳисоблайман.

— Аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоялаш борасида бир қанча амалий ишлар қилинаяпти, — деди Жиззах шаҳридаги «Жиззахлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилбар Саидова. — Партиянинг бошланғич ташкилотлари бундай ҳимоянинг ҳақиқатан ҳам кам таъминланган, муҳтож оилалар, фуқароларга йўналтирилгани, ундан мақсадли ҳамда самарали фойдаланишнинг аҳволини мунтазам равишда кузатиб, назорат қилиб борса, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлайман.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• • •

Наманган вилоят кенгаши раиси Абдурашид Убайдуллаев асосий эътиборни 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳамда инқирозга қарши чоралар дастурининг амалга оширилишида ЎзХДП ташкилотлари, депутатлик гуруҳларининг иштироки масалаларига қаратди.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида иш билан бандликнинг истиқболли ҳудудий режалари белгиланган, мамлакатимизда, хусусан, вилоятда ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга, биринчи навбатда қишлоқ жойларда янги иш ўринларини яратиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаётгани, унда фаоллар иштироки ҳақида фикр юритилди.

Мамлакатимиз ва унинг атрофидаги сиёсий жараёнлар, янгилик, ўзгаришлардан келиб чиқиб, вилоят партия кенгаши тарғибот ишларини сусайтиргани йўқ. Вилоят партия кенгаши томонидан 29 банддан иборат ташкилий-сиёсий ва тарғибот-ташвиқот тадбирлари режаси ишлаб чиқилди. 39 минг нафар партия аъзосини ўз атрофига бирлаштириб, халқ депутатлари вилоят Кенгашида 28 нафар, шаҳар ва туман Кенгашларида 197 нафар депутати бўлган партия вилоят ташкилоти бундан кейин ҳам ўз электорати манфаатларини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатини кучайтириши лозимлиги таъкидланди.

Пленумда вилоят, Наманган шаҳар, Поп, Косонсой туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг раҳбарлари Наимжон Раҳимов, Маматвали Турғунов, Мўътабархон Раҳимова, Илтифот Кўчоровалар сўз олиб, бошланғич тузилмалар фаолиятини яхшилаш, барча ҳамкор ташкилотлар билан муносабатларни мустаҳкамлаб, жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича таклиф-мулоҳазалар билдирдилар. Шунингдек, пленумда Мингбулоқ, Поп туман партия кенгашлари фаолиятида жиддий ўзгаришлар ясаш зарурлиги қайд этилди.

Пленум ишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ЎзХДП фракцияси аъзоси Нўъмонжон Аҳмаджонов қатнашди ва сўзга чиқди.

• • •

Пленумларда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ДАВРИДА

партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг энг асосий вазифалари нималардан иборат?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Илгари сурилган ғоялар, белгиланган устувор вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш жараёнида фаол қатнашиш, ушбу жараёнда ижтимоий аҳамиятга эга масалаларни ҳал этиш юзасидан ташаббусларни кўтариш бугунги кунда бизнинг олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир. Чунки, электоратимиз вакиллари манфаатларига ҳамоҳанг бўлган ижтимоий масалалар бу китобда муфассал баён этилган. Мазкур асар Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, қуйи ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик бирлашмалари, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими ўқувларида фаоллар томонидан чуқур ўрганилиб, партия электорати орасида кенг тарғиб қилинмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамов Президентимизнинг мазкур асарида баён этилган қоидаларни атрофлича ўрганиш, кенг тарғиб қилиш ва унда белгиланган устувор масалаларни амалга оширишда иштирок этиш партиямиз депутатларининг масъулиятли вазифаси эканини таъкидлади. Депутатлик фаолиятида мамлакатимиз ва халқимиз тақдири билан бевосита боғлиқ бўлган бу масалаларга жиддий ёндашув талаб этилаётгани ҳақида фикр юритди.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Анвар Шукуров, Марказий Кенгаш эксперти, профессор Нормурод Маматов ва бошқалар партия ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари кўпроқ амалий ишларга эътибор қаратиши, белгиланган устувор ижтимоий вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда ташаббус кўрсатиб, муносиб ҳисса қўшиши лозимлигини таъкидладилар. Айниқса, аҳолини иш билан таъминлаш масалаларини ҳал қилишда Жамоатчилик қабулхоналари, Ёшлар ҳуқуқий маслаҳатхоналари фаолиятини такомиллаштириш ва кучайтириш, бу борада мавжуд имкониятлардан унумли ва самарали фойдаланиш зарур деган фикр илгари сурилди. Депутатлик бирлашмалари, партия ташкилотлари, «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қанотлари шу соҳадаги вазифаларни чуқур идрок этган ҳолда аниқ режалар асосида жонли фаолият олиб бориши талаб этилаётгани қайд этилди.

Давра суҳбатининг интерфаол тарзда ўтган иккинчи қисмида фаоллар гуруҳларга бўлиниб, мавзунинг амалий жиҳатлари юзасидан қизғин баҳс-мунозара юритдилар ҳамда тегишли таклифларни ишлаб чиқдилар.

Гулруҳ БЕГИМ,
Ойбек ҚУШБОҚОВ.
Шавкат ҚАҲҲОРОВ
олган суратлар.

Журналистика соҳасида «Олтин қалам» IV Миллий мукофоти ғолиблари ва совриндорлари

(Давоми. Боши 1-бетда)

2-ўрин:

Муқадамхон Халилова — «Ёшлар» телерадиоканали катта муҳаррири. «Ҳаёт дарси» рукнидаги ёшлар тарбиясига бағишланган эшиттиришлари учун.

3-ўрин:

Дилбархон Ғаниева — Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси радиоканали муҳаррири. Маънавий-маърифий мавзудаги эшиттиришлари учун.

ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИК МАТЕРИАЛ УЧУН (МАТБУОТ):

1-ўрин:

Мақсуд Жонихонов — «Халқ сўзи» газетасининг бўлими мудири. Ватан туйғуси, миллий мерос ва миллий қадриятлар мавзуларидаги мақолалари учун.

2-ўрин:

«Белла Терра» ва «Жаннатмакон» журналлари таҳририяти — бош муҳаррирлари Мадина Мўминова ва Ирода Дадажонова. Маънавий-маърифий ва ижтимоий-илмий мавзудаги мақолалари учун.

3-ўрин.

Лукмон Бўриев — «Ёшлик» журнали бош муҳаррири ўринбосари. Миллий қадриятлар, анъаналар ва урф-одатлар ҳақидаги материаллари учун.

ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИК МАТЕРИАЛ УЧУН (ИНТЕРНЕТ-ЖУРНАЛИСТИКА):

1-ўрин:

Ралиф Нигматуллин — «uz.Report» сайтининг директори — бош муҳаррири. Ҳуқуқшуносликнинг долзарб масалаларини ёритган материаллари учун.

2-ўрин:

Гулбаҳор Тангирова — «Заря Сурхана» ва «Народное слово» газеталарининг мухбири (Сурхондарё вилояти). Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни кенг ёритган материаллари учун.

3-ўрин.

Ҳалим Саидов — «Маърифат» ва «Учитель Узбекистана» газеталарининг бош муҳаррири. «Матбуот — миллий манфаатлар ҳимоячиси» рукнидаги материаллари учун.

РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТЛАР БЎЙИЧА

Журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун

Озод Шарафиддинов — Ўзбекистон Қаҳрамони (марҳум)

Фаол фуқаролик позицияси учун

Раҳим Мақсудов — «Қизилтепа тонги» туман газетаси муҳаррири (Навоий вилояти)

Ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун

Собир Дадахўжаев — «Водил ёғдуси» туман газетаси муҳаррири (Фарғона вилояти)

Ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун

Мнажатдин Кутлимуратов — «Хожайли ҳақиқати» туман газетаси муҳаррири (Қорақалпоғистон Республикаси)

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» га бағишланган энг яхши материал учун

Моҳиниса Камолова — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари

Маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун

Ўрол Ўтаев — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси телерадиодастурларни мониторинг ва таҳлил қилиш бўлими бош мутахассиси

Ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун

Инобат Ибрагимова — «Ватанпарвар» газетаси бўлими муҳаррири

Энг яхши журналистик текширув учун

Примқул Дўстмаматов — «Ишонч»-«Доверие» газеталарининг ўз мухбири (Сирдарё вилояти)

Мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун

Муродулла Абдуллаев — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаррири ўринбосари

Энг яхши режиссёрлик иши учун

Андрей Африн — «Ўзбектелефильм» студияси режиссёри.

Энг яхши матбуот хизмати

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизмати — раҳбари Светлана Ортикова

Энг яхши фоторепортаж учун

Бурхон Ризокулов — «Маърифат» газетаси фотомухбири

Энг яхши карикатура учун

Абдурасул Ҳакимов — жамоатчи мухбир (марҳум)

Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун

Муҳаммад Аббас Хан — журналист (Покистон)

Халқаро ташкилотларнинг рағбатлантирувчи мукофотлари:

БМТ
МИНГ ЙИЛЛИК ТАРАККИЁТ МАКСАДЛАРИ МАВЗУСИНИ ЁРИТГАНИ УЧУН:

Гулруҳ Мўминова — «Зарафшон» газетаси мухбири (Самарқанд вилояти)

ЮНЕСКО
Маданият, фан ва таълим мавзуларини ёритгани учун

Ҳилола Болтаева — «Ёшлар» радиоканали бошловчиси

ЖАҲОН БАНКИ
Қишлоқ ҳаётининг барча жиҳатларини мукаммал ёритгани учун

«Фермер-пресс» газетаси таҳририяти — бош муҳаррир **Башорат Имомова**

ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШДИЛАР

Сурхондарё вилояти ҳокими Туробжон Жўраев етакчилигидаги турли соҳа раҳбарларидан иборат делегация ўзаро тажриба алмашиш мақсадида Андижонга ташриф буюрди. Меҳмонларни Андижон вилояти ҳокими Аҳмаджон Усмонов миришкор деҳқонлар билан бирга кутиб олди.

Меҳмонлар, аввало, Балиқчи туманидаги Учбулоқ зиёратгоҳида бўлдилар.

— Учбулоқ зиёратгоҳи мисолида миллий қадриятлар эъзозини кўрдим, — деди «Нуроний» жамғармаси Сурхондарё вилояти бўлими раиси Орзиқул Соатов.

Сурхондарёлик меҳмонлар Олтинкўл туманидаги Ўзбекистон Қаҳрамони Сиёсатхон Абдуллаева раҳбарлик қилаётган «Олтин водий гулшани» фермер хўжалигида бўлиб, унинг фаолияти билан яқиндан танишдилар. Айниқса, меҳнаткашлар учун яратилган қулайлик меҳмонларга манзур бўлди. Шунингдек, бир текис барқ урган буғдойзор сурхондарёликлар эътиборини тортди. Андижонлик ғаллакорлар тажрибаси кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

— Андижонда деҳқончилик маданиятининг юксаклиги, фермерларнинг меҳнатга муносабати, дала шийпонларининг обод ва шинамлиги ўрганса арзийдиган тажрибалардир. Ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш санъати андижонликларнинг миришкорлигини кўрсатмоқда, — деди Сурхондарё вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Баҳромжон Шердонов.

Тадбир иштирокчилари Андижон шаҳридаги ўзгаришлар, ободончилик билан яқиндан танишди.

Андижон шаҳридаги Ёшлар маркази фаолияти ҳам меҳмонларда чуқур таассурот қолдирди.

— Маҳобатли ёшлар маркази вилоят кўркига кўрк қўшиб турибди, — дея фикр билдирди Термиз шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Робия Каттаева.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сурхондарёлик меҳмонлар андижонликларнинг ибратли ишларини ўрганиш баробарида, ўзларининг деҳқончилик борасидаги тажрибаларидан ҳам сўзлаб бердилар.

(Ўз мухбиримиз).



АВТОЗАВОДЛАР ИШЧИЛАРИ

оммавий таътилга чиқарилмоқда

Россия ҳудудида жойлашган автомобиль ишлаб чиқарувчи барча заводлар ишчи-ходимлари оммавий равишда таътилга чиқмоқда, дея хабар беради «РосБалт» АА.

Жумладан, «Toyota»нинг «Camry» русумидаги автомашиналарини ишлаб чиқарувчи Санкт-Петербургдаги заводи 1 майдан 11 майгача таътил эълон қилган бўлса, «АвтоВАЗ»да 1 майдан 8 майгача дам олиш куни жорий этилди.

Дарвоқе, «Toyota»нинг Санкт-Петербургдаги заводи ишчилари оммавий равишда аввал ҳам, яъни 30 мартдан 6 апрелгача таътилда бўлган.

Ишчиларга ўртача маош тўлаб турилади.

Шунингдек, бундай таътиллар «Renault Logan» автомобилини ишлаб чиқарувчи «Автофромас» заводида ва Горький автозаводида ҳам амалга оширилди. «Автофромас»да эса 11 майдан кейин уч сменалик иш вақти икки сменага туширилади.

Жаҳон автомобиль бозоридаги вазиятнинг беқарорлиги ва молиявий-иқтисодий инқирознинг чуқурлашуви шундай тадбирлар қўллашга мажбур этмоқда.

20 МИНГГА ЯҚИН

одам ўғирланади

Хитойнинг Жамоат хавфсизлиги вазирлигининг расмий статистикасида қайд этилишича, мамлакатда бир йилда 3 минг нафар гўдак ва аёллар ўғирланиб, сотиб юборилади. Аммо «Синьхуа» ААнинг экспертлар манбаларига таяниб маълум қилишича, бу рақам 3 мингдан эмас, эҳтимол 10-20 минггача чиқиши ҳам мумкин.

Одам савдоси, айниқса, мамлакатнинг жанубида катта муаммо бўлиб турибди.

Огоҳлик — зарурат

ПАНДЕМИЯГА АЙЛАНМАСЛИГИ УЧУН

барча давлатлар биргаликда курашишлари керак

Дунё ҳамон муаммолар гирдобида — гарчи, XXI асрда яшаётган бўлсак-да. 2003 йил воқеаларини, 2004 йил офатини ҳали унутганимиз йўқ. Ўшанда оғир ўткир респиратор синдроми — ғайриоддий зотилжам касаллиги ер юзининг кўпгина давлатларида кенг тарқалиб, инсон ҳаётига таҳдид солган эди. Орадан бир йил ҳам ўтмай «парранда гриппи» деган таҳлика барчада бирдай хавотир уйғотди. Энди эса «чўчқа гриппи» деб номланган бало пайдо бўлиб, одамларни саросимага солмоқда.

Хорижлик мутахассислар томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, у ғайриоддий вирус-мутант бўлиб, таркибида парранда, чўчқа ва одам гриппи генлари бўлган гибрид ҳисобланади.

Офатнинг ўчоғи Мексика пойтахти Мехико эканлиги бугун кўпчиликка аён. Шу кунгача бу ерда 150 дан ортиқ киши айнан шу касаллик қурбонига айланди. Мексика Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига қараганда, 1620 дан ортиқ кишида касаллик белгилари аниқланиб, шифохоналарга ётқизилган.

Мехико шаҳрида кенг миқёсда профилактика чоралари кўрилмоқда. Жумладан, 6 майгача барча мактаблар, олий ўқув юртларида машғулотлар, судлар ва шаҳарнинг бошқа хизмат турлари фаолияти ҳам вақтинча тўхтатилди. Кутубхоналар, барлар, дискотекалар бутунлай ёпилди, ресторанларнинг иш вақти қисқартирилди. Матбуот, радио ва телевидение орқали эса мутахассисларнинг доимий чиқишлари ташкиллаштирилиб, касалликдан сақланиш йўллари, унинг олдини олиш усуллари хусусида жамоатчиликка кенг тушунтиришлар бериб борилмоқда.

Мехико мэри Марсело Эбрард 20 миллионлик аҳолига эга шаҳарда саккизинчи даражали фавқулодда ҳолат эълон қилди (даражалар шкаласи 1 дан 10 баллгача. Ўнинчи даражали фавқулодда ҳолат шароитида барча аэропортлар ёпилади, жамоат транспорти ҳаракати тўхтатилади).

У аҳолини шаҳардаги завод-фабрикалару корхона-ташкилотлар ҳам ёпилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди. Аммо куни кеча Мексика меҳнат вазири матбуот анжумани ўтказиб, саноат корхоналари фаолияти тўхтатилмаслигини билдирди.

Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирининг айтишича, кўрилаётган чора-тадбирлар оз бўлса-да, ўз самарасини бермоқда. Чунончи, ўтган шанбада касаллик туфайли 6 киши ҳаётдан кўз юмган бўлса, якшанбада бу рақам 5 тага, душанбада эса 3 тага тушди.

Аммо касаллик Мексиканинг 32 та штатига тарқалиб улгурган. Шунинг учун ҳам мамлакатнинг йирик кўчаларида дока-ниқоблар одамларга текинга тарқатилмоқда.

Хавфли томони шуки, офат апрель ўрталарида бошланган бўлса, саноқли кунлардаёқ дунёнинг кўпгина давлатларига тарқаб улгурди. Жумладан, Испанияда — 6, Шотландияда — 2, АҚШда — 48, Буюк Британияда — 2 кишида айнан H1N1 вируси штамми борлиги аниқланди. Шунингдек, Франция, Чехия, Дания, Швеция, Бельгия, Канада, Бразилия, Аргентина, Австралия, Янги Зеландия, Исроил, Гватемала, Перу, Жанубий Кореяда ҳам иситмаси кўтарилган беморлар «чўчқа гриппи»да гумон қилиниб, шифохоналарга ётқизилди. Олиб борилаётган тиббий таҳлиллар шубҳаларга бугун-эрта аниқлик киритади. Улар Мексика ва АҚШдан ўз юртига қайтган фуқаролардир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози забтига олиб турган бир пайтда бу офатнинг тарқалиши жаҳон жамоатчилиги ҳушёрлигини анча оширгани бор гап. Кўпгина давлатлар маъмуриятлари ўз фуқароларини огоҳликка чақириб, касаллик ўчоғи бўлган мамлакатларга бормасликка ундамоқда. АҚШ давлат департаменти, Европа Иттифоқи, Хитой давлат кенгаши, Япония маъмурияти ва бошқа бир қанча мамлакатлар ҳукуматлари хавфсизлик чораларини кўриш юзасидан тезкор конференциялар ўтказиб, масалани муҳокама этдилар. Масалан, Японияда махсус штаб тузилди, унинг таркибига барча вазирлар киритилди. Хитойда эса профилактика чораларини янада кучайтиришга кўрсатма берилди. АҚШнинг Маҳсулот ва дори-дармон назорати бошқармаси ҳали клиник тажрибадан ўтказилмаган бўлса-да, касалликка қарши «Tamiflu» ва «Relenza» дориларини қўллашга рухсат берди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти касаллик таҳдидини ҳисобга олиб, тўртинчи даражали хавф эълон қилди (аввал учинчи даражали хавф эълон қилинган эди). Агар 6-даражали хавф эълон қилинса, касаллик пандемия (катта ҳудудларга тарқалган эпидемик касаллик)га айланган ҳисобланади. Пандемия охирги марта ЖССТ томонидан 1968 йили эълон қилинган. Ўшанда «Гонконг гриппи» натижасида 1 миллионга яқин одам ҳаётдан кўз юмган.

Аммо дунё эпидемиологлари жаҳон ҳамжамиятини саросимага тушмасликка чақирмоқда.

Хўш, бу офатнинг юртимизга таъсири қандай? Нима чоралар кўрилмоқда? Таҳдид йўқми?

Республика соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Бош давлат санитария врачи Бахтиёр НИЁЗМАТОВга шу каби саволлар билан мурожаат этдик.

— Бизда аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш давлат сиёсатига айланган, — дея сўз бошлади у. — Инфекциянинг республикамизга четдан кириб келишининг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирлар амалда ўз самарасини бир неча бор исботлади. «Парранда гриппи» ва бошқа хавфли юқумли касалликларнинг юртимизга кириб келишининг олди олингани бунга мисол бўла олади.

Шу ўринда айтиш лозимки, янги вирусни юқтирган одамда оддий грипп ўхшаш белгилар пайдо бўлиши мумкин. Аммо у заҳарли пневмонияга сабаб бўлиши эҳтимоли ҳам бор. Касаллик ҳаво-томчи орқали, яъни йўталганда, акса урганда, касалланган кишининг идиши ва бошқа воситаларидан фойдаланганда юқади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан янги респираторли инфекция профилактикаси ва унинг республикамизга кириб келишининг олдини олиш бўйича алоҳида ишлар режаси тузилди, бу борада мониторингни амалга ошириш учун республика штаби ташкил қилинди. Унга юқори малакали мутахассислар жалб этилди. Барча ҳудудларда тиббиёт ходимлари учун семинар-тренинглар ташкиллаштирилди.

Вилоятлар ва пойтахтимиздаги вирусология лабораториялари «чўчқа гриппи» қўзғатувчисини аниқлаш учун зарур ташқис қўйиш воситаларига эга. Касалликни юқтирганликда гумон қилинган шахс юқумли касалликлар шифохоналарида тайёрлаб қўйилган алоҳида палаталарга мажбурий тартибда жойлаштирилади.

Одамлар гавжум жойларда, транспорт, болалар боғчалари, ўқув юртларида профилактика ва дезинфекция ишлари кучайтирилди.

Давлат чегараларимиз кесишган жойларда, аэропортлар, темир йўл вокзаллари ва бекатларида санитария-назорат пунктлари ишлаб турибди. Улар қўшимча махсус асбоб-ускуналар ва дезинфекция воситалари билан таъминланган.

Аҳоли ўртасида санитария-маърифат ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Респиратор касалликларининг олдини олиш чоралари тушунтирилган плакатлар, рисолалар чоп этилди.

Мамлакатимизда вазият яхши бўлишига қарамай, хотиржамликка берилмаслик лозим. Бу Республика эпидемияга қарши курашиш фавқулодда комиссиясининг навбатдаги мажлисида ҳам алоҳида таъкидланди. Унда вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг «чўчқа гриппи» инфекцияси мамлакатимизга кириб келишининг олдини олиш бўйича ўтказилаётган тадбирлар ҳақидаги ҳисоботлари тингланди, бу йўналишдаги ишларни кучайтиришга доир комплекс чора-тадбирлар белгиланди.

Ҳа, мутасадди раҳбарнинг сўзлари мазмунидан шуни англадикки, юртимизда хавотирланишга асос йўқ. Аммо ҳамюртларимиз соғлом турмуш тарзи ҳар қандай касалликка қарши энг яхши ҳимоя эканлигини теран тушуниб етишлари ўта муҳимдир.

Алимқул СУЛТОНОВ,
шарҳловчи

Одам савдоси дунё жамоатчилигини ташвишга солиб келаётган глобал муаммолардан биридир. Мамлакатимизда бу иллатнинг олдини олиш, унинг оқибатларини бартараф этиш, одам савдосидан жабр кўрганларга тиббий ва руҳий ёрдам кўрсатиш, аҳолининг меҳнат миграцияси борасидаги ҳуқуқий саводхонлигини ошириш юзасидан қатор ишлар қилинмоқда.

ОДАМ САВДОСИ МУАММОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Сурхондарё вилоятида ҳам бу борада турли йўналишларда амалий ишлар олиб бориляпти. Жумладан, аҳолини иш билан таъминлаш, рақобат ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳудудий дастурларига асосан жорий йилнинг биринчи чорагида 14106 та янги иш ўрни яратилди. Фуқароларнинг одам савдосига қарши курашиш ҳамда ташқи меҳнат миграцияси ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш мақсадида тайёрланган махсус буклетлар маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларига етказилди. Одам савдосининг салбий оқибатларига олиб келиши ҳамда хорижда ишлашнинг қонуний тартиблари ҳақида ҳудудий оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилинди. Иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинган 8146 нафар фуқаро касбга тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга жалб қилинди, айримларига ишсизлик нафақаси тайинланди.

Вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан чет элда бўлган вақтида турли сабаблар билан фуқаролик паспортини йўқотган 178 нафар фуқарога жорий йилда Ташқи ишлар вазирлигининг Термиздаги консуллик бўлими кўмагида юртимизга қайтиш гувоҳномалари расмийлаштириб берилди.

Афсуски, вилоятда одам савдоси жиноятлари билан шуғулланганлар ҳам, ундан жабрланганлар ҳам бор. **Жорий йилнинг дастлабки чорагида одам савдоси жиноятини содир этган 28 нафар шахсга нисбатан 27 та жиноят иши қўзғатилди. Одам савдосидан жабрланган 106 нафар фуқаро билан профилактик суҳбатлар ўтказилди.**

Термиз шаҳрида Одам савдосига қарши кураш бўйича вилоят Идоралараро комиссиясининг йиғилишида шулар хусусида фикр юритилди. Унда вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси раҳбарлари, ҳудудий комиссияларнинг аъзолари, котиблари ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Одам савдосига қарши кураш бўйича вилоят Идоралараро комиссияси фаолияти самарадорлигини янада оширишга хизмат қиладиган қарорлар қабул қилинди.

Тадбирда Одам савдосига қарши кураш бўйича Республика Идоралараро комиссияси масъул котиби А.Саттаров қатнашди.

Норали ОЧИЛОВ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

қуйидаги вакант лавозимларга танлов (конкурс) эълон қилади:

1. Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин.
2. Хорижий мамлакатлар тарихи кафедраси, ўқитувчи, 1 ўрин.
3. Инглиз тили кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин.
4. Сиёсатшунослик кафедраси, ўқитувчи, 1 ўрин.
5. Халқаро иқтисодий муносабатлар кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин.
6. Педагогика ва тиллар кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин; ўқитувчи, 1 ўрин.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой ичида топширилиши лозим.

ҲУЖЖАТЛАР:
1. Ректор номига ариза.
2. Шахсий варақа (рангли фотосурат билан).
3. Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида диплом, малака ошириш сертификатлари.
4. Илмий ва илмий услубий ишлар рўйхати.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2009 ЙИЛДА ҚУРИЛИШИ МЎЛЖАЛЛАНГАН ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Китоб тумани, Обиканда қишлоғидаги агробизнес йўналишидаги коллежга ётоқхона қурилиши.

Бошланғич нархи: — *ҚҚСсиз* — 245.934.300 сўм, — *ҚҚС билан* — 295.121.100 сўм.
Қурилиш муддати — 120 кун.
Буюртмачи — Қашқадарё вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси.
Манзили — Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.

Қурилиш ишларини молиялаштириш Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:

- етарли касбий ва техникавий малакага;
- иншоот қийматининг камида 20 фоизи миқдорида айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги;
- ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги;
- танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва ишончли бўлиши шарт.

Танлов савдоларида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларини бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларининг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси: Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 46-а уйда жойлашган «Давархитектқурилиш» қўмитасининг Қашқадарё вилоят капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Тел/факс: ***(8-375) 224-05-24.***

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 70000 сўм.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин «Буюртмачи» биносида ўтказилади.

ИШ ЎРИНЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки жамоаси Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида қатор хайрли ишларни амалга ошираяпти. Аввало, шуни айтиш керакки, банк Навоий вилоят бўлимининг корпоратив мижозлари орасида қатор йирик корхоналар бор. Навоий кон-металлургия комбинати, машинасозлик ва гидрометаллургия заводлари, шунингдек, мамлакатимиздаги цементнинг қарийб 50 фоизини ишлаб чиқараётган «Қизилқумцемент» очиқ акциядорлик жамияти ҳамда республика минерал ўғитларининг қарийб 70 фоизини бераётган «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси шулар жумласидандир.

Бугунги кунда «Ўзмиллий банк» Навоий вилоят бўлимининг Зарафшон, Учқудуқ шаҳарлари ва Қизилтепа туманида учта филиали мавжуд. Шунингдек, жойларда унинг 6 та мини банки ва 5 та ҳудудий махсус кассалари аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Бўлимдаги жами 258 нафар ходимдан қарийб 80 фоизи олий маълумотли бўлиб, улар банк ва банк иши фаолиятини тўлиқ ўзлаштириб олишган. Мижоз манфаатини устувор қўйиш, намунали хизмат кўрсатиш бўлим ходимларининг бош мақсади. Шундан бўлса керак, банк мижозлари сони 120 минг нафардан ошиб кетган. Айниқса, охирги йилда мижозлар сони яна 30 минг нафарга кўпайди.

Бўлимнинг кўпгина кредит қўйилмалари кичик бизнесни ривожлантириш ва жойлардаги тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлашга сарф этилаётганлиги, бу билан ишсизлик муаммосини ҳал этишга муносиб ҳисса қўшилаётгани эътирофга молик. Тўғри-да, ташаббус ва ташкилотчилик билан майдонга чиққан, кичик бизнес ёки хусусий тадбиркорлик йўналишида иш бошлаган ҳар бир жисмоний субъектни ўз вақтида қўллаб-қувватлаш, унга қисқа ёки узоқ муддатли кредит бериб, молиявий кўмаклашиш шу қуннинг долзарб вазифасидир.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг биринчи чорагидаёқ хусусий тадбиркор ва кичик бизнес субъектларига 2 млрд. сўмдан зиёд имтиёзли кредит ажратди. Банк жамоаси ташаббускор хотин-кизларни мунтазам молиявий қўллаб-қувватлаб, олис чўл туманларида ҳам янги иш ўринлари яратишни асосий вазифалардан бири, деб билмоқда. Масалан, учқудуқлик Зулайҳо Каримовани олайлик. Бундан икки йил аввал бу ишбилармон аёл «Зулхумор-Музаффар» хусусий кичик корхонасини очиб, уй бекаларидан 28 нафарини доимий иш ўрни билан таъминлади. Айни кезда, харидоргир, сифатли бўлган катталар ва болалар кийим-кечакларини тикиб чиқараётган бу корхона олинган 70 миллион сўмлик узоқ муддатли кредитни нисбатан қисқа вақтда деярли қоплаб бўлди.

Қизилтепалик уй бекаси Моҳила Шарипова эса банкдан олган 40 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига «Қизилтепа Адаст» хусусий корхонасини очди. Ҳозир хориждан келтирилган «Адаст доминант-725» русумли дастгоҳи билан газеталар, турли ҳажмдаги китобларни чоп этмоқда, иш юритиш қоғозлари ва таклифномалар ишлаб чиқармоқда. 25 нафар қишлоқ ёшлари доимий иш билан таъминланди.

Учқудуқ туманида «Моҳинур-грант-мед» хусусий корхонаси ташкил этилганидан кўпчилик мамнун бўлди. Мутахассислиги кардиолог бўлган Баҳодир Имомов банкдан олган 72 миллион сўм кредит эвазига тиббий хизмат кўрсатиш мажмуини барпо этди. Эндиликда ушбу тиббиёт масканининг малакали ҳамшираю шифокорлари аҳоли сиҳат-саломатлигини яхшилаш йўлида камарбаста бўлишмоқда.

Навоийлик Зуфар Галямов эса Зарафшонда «Қизилқум-мануфактура» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиб, қарийб эллик кишини иш билан таъминлади. Банкдан олинган 62 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисобига очилган цехда Тоғ-кон-металлургия комбинати ишчи-ходимлари учун махсус кийим-кечак тикиб чиқарилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг Озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир 2009 йил 26 январдаги қарори ижроси юзасидан ҳам банкда кенг кўламли ишлар олиб бориляпти. Жисмоний шахсларга кейинги 3 ой давомида 375,5 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

Ипотека ва истеъмол кредитлари хусусида ҳам алоҳида тўхталмоқ зарур. Ёш оилаларни рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоялаш мақсадида 178 миллион сўмликдан зиёд турли муддатли микрокредитлар ажратилди.

Хорижий инвестицияларни кенгроқ жалб қилиш, ишлаб чиқариш корхоналарини босқичма-босқич модернизациялаш, корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан қайта жиҳозлаш, маҳаллий хомашёдан харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳам таҳсинга лойиқ. Масалан, Хитой Тараққиёт банкидан олинган 1 млн. АҚШ доллари ҳисобидаги кредит эвазига Ҳамроқул Бозоров бошчилигида «Зарафшон овози» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиб, сўндирилган оҳак ҳамда пишиқ ғишт ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ўрнатилди. Натижада 93 нафар ёш доимий иш билан таъминланди.

Бўлимда пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизими ҳам кенг йўлга қўйилган. Айни пайтда жойларда ўрнатилган терминаллар сони 703 тага, муомаладаги пластик карточкалар сони эса 126570 донага етди.

Муаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

❖ Премьера

ТУЗОҚҚА ТУШМАСЛИК УЧУН...

Пойтахтимиздаги Киночилар уйида «Ўзбеккино» миллий агентлиги буюртмасига асосан «5-студия» ёшлар ижодий уюшмаси томонидан суратга олинган «Тузоқ» бадиий фильмининг тақдимот маросими ўтказилди.

Кино санъатининг инсон онги ва тафаккури, жамият ҳаётидаги таъсири беқиёсдир. Шу боис «Ўзбеккино» миллий агентлигига Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда юртимиздаги тинч-осойишта ҳаётимизга таҳдид солишга уринаётган диний оқимларнинг ғаразли мақсадларини очиб беришга қаратилган бадиий фильмлар яратиш вазифаси юклатилган эди.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «Ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш, фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади. Фақат ана шундай асосда ёшларни ўз фикрига эга, турли маънавий хуружларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга эришиш мумкин».

«Ўзбеккино» миллий агентлиги бу шарафли вазифани шу мавзуда олдин кино асарлари яратган ёш ижодкорларга ишониб топширди. Сценарий муаллифи Тоҳир Шомуродов ҳуқуқий мавзудаги «Инсоннинг яшаш ҳуқуқи» ва «Яра-шув институти» ҳужжатли фильмлари яратишда иштирок этганди. Фильм режиссёри Баҳриддин Айназаров диний оқимнинг ғаразли мақсадларини очиб берган «Ҳалол ўғрилик» ҳужжатли бадиий фильмини суратга олганди.

— Ҳаётда бўлиб ўтган ташвишли воқеаларни бадиий талқин этишимиз учун сценарий муаллифи билан биргаликда изландик, — дейди режиссёр Баҳриддин Айназаров. — Ҳуқуқ-тартибот идоралари мутахассислари билан масалаҳатлашдик. Диний оқимга боғлиқ ишларни кўриб чиқдик, тасвирга олинган сюжетларни диққат билан томоша қилдик. Улардан келиб чиққан ҳолда сценарийни тўлдирдик. Фильм ролларига муносиб актёрларни танладик. Шундан кейингина тасвирга олишга киришдик. Албатта, фильмнинг баҳосини томошабин беради.

Киночилар уйида ўтказилган фильмнинг тақдимотидан кейин биринчи бўлиб таниқли киносценарийчи Рихсивой Муҳаммаджонов билан суҳбатлашдим.

— Фильм яхши ишланибди, аввало, унинг ижодкорларини табриклайман, — деди Рихсивой ака. — Унинг муваффақияти шундаки, «Нима бўларкан?»» деган савол сизни фильм охиригача ҳаяжонда ушлаб туради. Тарбиявий аҳамияти катта бу фильм сал илгарироқ ишланганда борми, уни кўрган қанча ёшларимиз диний ақидапарастлар домига тушиб қолмасди, тўғри йўлдан адашиб кетмасди. Тақдимотдан кейин ўтказилган муҳокамада жамоатчилик вакиллари, кино мутахассислари фильм ҳақидаги дастлабки таассуротларини билдиришди.

Абдураззоқ ЮНУСОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари:

— Фильм ижодкорлари ниҳоятда шарафли ишни бажаришибди, актёрлар ҳам ролларини чиройли ижро этишибди. Агар менда ихтиёр бўлса, фильмни «Қоронғида топишганлар» деб атардим. Чунки фильмда шундай ёруғ замонимизда қоронғида топишган айрим нопок кимсаларнинг фожиаси тасвирланган. Ёшларимиз тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлган бу фильмни мактабларда, лицей, коллеж ва институтларда кўпроқ намойиш этиш керак. Бизнинг идора ходимлари бу фильмнинг тақдимотларида бажонидил қатнашади.

Элшод НАБИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Маънавий ва ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи:

— Бу фильмни томоша қилар эканман, кўзларимга ёш келди. Бузғунчи ғоя таъсири зиёли кишини отасидан жудо қилди, оиласидан айирди. Жуда таъсирли чиқибди, ёшларимиз тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирдан мен тармоғимиздаги ёшларга бу фильмни тезроқ намойиш этиш ҳақида режа тузаяпман.

Биз фильмнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида бироз фикр-мулоҳаза юритдик, холос. Атайин фильм воқеаларига тўхталмадик. Зеро, таниқли актёрлар Улуғбек Юнусов, Нигора Каримбоева, Бахтиёр Қосимов, Тўхтамурод Азизов ва бошқа ижодкорларнинг фильмда яратган образлари жуда ишонарли, таъсирли чиққан. Ишончимиз комил, томошабинлар Феруза Юсупович фильмдаги қизалоқ образи учун кўп бор олқишлашади. Шу боис биз ҳар киши «Тузоқ» фильмини кўришини, фильм ижодкорлари ва актёрлари маҳоратидан баҳра олишини, намойиш этилган воқеалардан тўғри хулоса чиқариб олишини истардик. Ахир, юз марта эшитгандан бир марта кўрган яхши.

Асрор МЎМИН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЗГУ ТАШАББУС ВА ХАЙРЛИ ИШЛАР

Бухорода болалар спортини ривожлантириш, унинг оммавийлигини таъминлаш борасида қатор ютуқларга эришилмоқда. Бирор йил йўққи, вилоятда янги спорт иншоотлари қад ростламаса, чемпионлар етишиб чиқмаса. Охирги икки йил мобайнида эса бир қанча янги спорт иншоотлари фойдаланишга топширилди.

— Жорий йилда, қишлоқ ҳудудларидаги спорт иншоотларига эътибор оширилди, — дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ижрочи директори Исмоил Мирзаев. — Ҳозир 9 та спорт зали, битта спорт мажмуасини капитал реконструкция қилишга киришилди. Пешку туманидаги Қалайимиришкор қишлоқ фуқаролар йиғинида собиқ «Бухоро» ширкат хўжалиги клуби Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан мукаммал таъмирланиб, замонавий мажмуага айлантирилади.

Дарҳақиқат, болалар спортини ривожлантириш йўлидаги эзгу ташаббус ва хайрли ишлар ўз самарасини бермоқда. Ҳозирда вилоятдаги мавжуд тўққиз юздан зиёд спорт иншоотларида фаолият кўрсатаётган тўгаракларга 215 мингдан зиёд ўғил-қиз жалб этилган. Шундан 180 мингга яқинини 6-17 ёшгача бўлган болалар ташкил қилади. Спорт билан шуғулланувчи қизлар сафи 120 мингга етгани ҳам қувончлидир. Умуман олганда, вилоятда спорт билан мунтазам шуғулланувчилар кун сайин кўпайиб, бугунги кунда 400 мингдан ошди. Айниқса, Ғиждувон, Қоровулбозор, Жондор, Қоракўл, Ромитан туманларида бу кўрсаткич янада юқори. Сабаби, бу ҳудудларда мустақиллик йилларида кўплаб ҳавас қилса арзигулик спорт мажмуалари бунёд этилди.

— Бизнинг бу кошона ҳам яқинда қурилган, — дейди Ғиждувон туманидаги «Фиришкент» болалар спорти мажмуаси директори Раҳмон Қурбонов. — Илгари бундай спорт саройини фақат хаёл қилса бўларди. Ҳозир бу ерда 8-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳам жойлашган. Спортнинг саккизта тури билан 400 дан зиёд ўғил-қиз мунтазам шуғулланиб келишяпти.

Шуни таъкидлаш керакки, мажмуа фаолиятини бошлаганига атиги тўрт йил бўлди. Ана шу қисқа давр ичида спортчилар жамоаси қатор муваффақиятларга ҳам эришди. Ўтган йили вилоят «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасида қўл тўпи ва стол тенниси жамоалари 3-ўринни эгаллашди. «Ёзги таътил — 2008»да эса қизлар қўл тўпи жамоаси 2-ўриндан жой олишди.

Мажмуада ҳафтанинг дам олиш кунлари «Очиқ эшиклар куни» деб эълон қилинган. Шанба ва якшанба кунлари яқин атрофдаги қишлоқ ҳамда маҳаллалар аҳолиси, айниқса, ёшлар футбол, волейбол, баскетбол бўйича ўзаро куч синашадилар. Арабон, Сараён, Тошкарон қишлоқлари аҳолиси спорт фестивалларида фаол иштирок этмоқда.

Спортга бўлган бундай эътибор ўз самарасини бермоқда. Бугун юзга яқин бухоролик спортчи жаҳон, Осиё, халқаро турнирларнинг совриндори, 400 га яқин спортчи эса мамлакат биринчиликларида совринли ўринларни эгаллашган. Беш мингдан зиёд йигит-қиз бултур спортнинг бир неча турлари бўйича ўтказилган мамлакат мусобақаларида қатнашдилар. Бир сўз билан айтганда, қадим воҳада спортсеварлар сафи кенгайиб, йирик мусобақаларда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилаётган ёшлар сони ҳам ошаётир.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

❖ Орамиздаги одамлар

Голландиядаги иссиқхонада серҳосил помидор етиштирилаяпти.



Шаҳрисабзданги иссиқхонада Голландиядан келтирилган серҳосил помидор парвариш қилинмоқда.

МЕҲНАТ ВА НЕЪМАТ

Шаҳрисабзлик Маҳмуд Муҳаммадиев анча йиллар савдода ишлади. Деҳқончиликка ниҳоятда қизиққани учун яхши ният билан 9 гектар ер олди. Ҳаммасига узум, олма, шафтоли, қароли ва бошқа мева кўчатларини ўтказиб, парвариш қилди.

Шу билан бирга, беш йил бурун 8 сотих томорқасининг 5 сотихига иссиқхона барпо этди. 2008 йилнинг қишида Тошкентдаги «Энза Заден» фирмаси 12 кишини тажриба ўрганиш учун Голландияга юборди. Улар орасида Маҳмуд Муҳаммадиев ҳам бор эди.

— Голландлар ниҳоятда тадбиркор, бир қарич ерни ҳам бўш қолдирмайдиган халқ экан. Картошка, лола етиштириш борасидаги ишлари оламга машҳур. Амстердам шаҳрини томоша қилдик. Айниқса, Анис шаҳри атрофидаги фермерларнинг ишидан ҳайратга тушдик. Бир фермернинг 40 бош зотли қорамоли, 100 бош қўйи бор экан. Биласизми, қўйнинг ҳар биридан кунига 2,5 литрдан сут соғиб оларкан. Голландияда қўй сутидан тайёрланадиган пишлоққа талаб ниҳоятда катта ва қиммат экан. Айниқса, иссиқхоналарини кўриб, юрагимда ҳайрат ва ҳавас уйғонди.

Аввало, иссиқхоналари жуда яхши қурилган. Иккинчидан, синовдан ўтган уруғларни экишар экан. Масалан, помидорнинг «Элпида» навидан жуда юқори ҳосил олишяпти. Яна бир янгилик шуки, помидор, ҳатто бодринг кўчатларини ёввойи навларга пайванд қилишар экан. Бу касалликларга чидамли навларни кўпайтириш имконини бераркан. Бу тажрибани ўрганиб қайтгач, помидорнинг «Бэлла» навини иссиқхонамизга экдик. Насиб этса, шу беш сотих жойдан 4-5 тонна помидор оламиз. Ҳосилнинг олди пиша бошлади.

Ҳа, дунё билан бўйлашаяпмиз. Беш фарзандни меҳнатга ўргатиб улғайтираётган фермер Маҳмуд ҳожи Муҳаммадиев ўтган йили ойласи билан ҳовлисидаги иссиқхонадан 6 миллион сўм даромад олди. Улар Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида яхши орзу ва режалар билан меҳнат қилаяпти. «Мен Голландиядаги иссиқхоналарни суратга олар эканман, уларни дўстларимга кўрсатишни ният қилгандим», дейди у.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

❖ Тарбия

ЭЪТИБОРСИЗ НИҲОЛ ҚИЙШИҚ ЎСАДИ

Вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, улар томонидан турли ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш ҳамиша долзарб вазифа бўлиб келган. Бола озгина эътиборсиз қолдими, бас, бўшлиқ ўрнини зарарли иллатлар эгаллайди.

Вояга етмаган Альберт Черкасов айни илм оладиган даврида ўқишни йиғиштириб, уйидан чиқиб кетди. Фойдали иш билан шуғулланмади. Устига-устак спиртли ичимлик ичишга рўжу қўйди. Пала-партиш ҳаёт кечириш уни ҳалокат гирдобига етаклади. Назоратсиз қолган бола, охир-оқибат оғир жиноятга қўл урди. Шериклари билан Миробод тумани «Қўйлиқ» массивида яшовчи Гулсум Замкованинг уйига бостириб кириб, уни ўлдириш билан қўрқитиб, пул ва қимматбаҳо буюмларини олди. Босқинчилардан қутулишга уринган Гулсум Замкованинг орқасига икки марта пичоқ санчилди. Пул ва қимматбаҳо буюмларни қўлга киритган жиноятчилар воқеа жойидан яширинди. Хайриятки, вақтида кўрсатилган тез тиббий ёрдам туфайли жабрланувчининг ҳаёти сақлаб қолинди.

Альберт Черкасов ва унинг шериклари эса қонуний жазога тортилди. Бугун уларнинг ота-оналари афсуснадоматда... Донишмандлар айтганидек, яхши тарбия — бахтли кексалигимиз, ёмон тарбия — бўлғуси ғамаламларимиз, кўз ёшларимиз, демак.

Хўш, ана шундай кўнгилсизликнинг олдини олиш мумкинмиди? Аввалмбор шуни айтиш керакки, Альберт Черкасовнинг ўқиши билан ҳеч ким қизиқмаган. Дарсга бораяптими, йўқми, дўстлари ким, ота-онаси суриштирмаган. Қисқаси, Альбертни тергаб турадиган одам бўлмаган. Оқибатда у нотўғри йўлга кириб кетган. Даниэл, Арман деган шериклари мунтазам спиртли ичимлик ичиб безорилик қилган. «Ҳой болалар, нега бундай юрибсанлар?!» деб тартибга чақирадиган одам бўлмаган. Тартибсиз ҳаёт кечирган Альберт кўнглига нима келса, шуни қилди. Натижада у инсон ҳаётига қасд қилишгача бориб етди. Агар Альберт яхши муҳитда таълим-тарбия олганда, бундай нохушлик бўлмасди албатта. Бугун эса у жиноятчи. Ҳа, у оғир жиноят содир этди. Ўсмирнинг боши берк кўчага киришида ота-онанинг, яқинларининг, қолаверса, маҳалланинг ҳам айби бор. Альбертнинг тақдири ҳар биримизни чуқур ўйлашга, огоҳликка ундайди.

Ватанимиз тақдири, келажагимиз бугун ўсиб келаётган ёш авлодга, унинг жисмоний ва маънавий камолотига боғлиқ.

Мухтасар қилиб айтганда, оилада фарзанд улғаяётган экан, асло бефарқ ва эътиборсиз бўлмаслигимиз лозим. Аксинча, доим огоҳ бўлиб, уларнинг тарбияси учун масъул эканлигимизни бир дақиқа ҳам унутмайлик.

Аъзам ХОДЖАЕВ, Миробод туман прокуратураси терговчиси.

Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази «Ўзбекистон овози» газетасининг 2009 йил 23 апрель, 48-сонида берилган «Автоойна» ОАЖнинг қайта танлов савдоси ҳақидаги эълонда кўрсатилган «Буюртмачи: Фарғона вилоят Давлат солиқ бошқармаси» сўзи ўрнига «Буюртмачи: «Автоойна» ОАЖ» деб ўқилишини маълум қилади.

«Муштум» журнали таҳририяти таниқли карикатурачи-рассом **Абдурасул ҲАКИМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
'Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 449
13111 nusxada bosildi
Г — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 21.15
Topshirilgan vaqti — 0.15
Sotuvda erkin narxda